

2015 2P 1-99. 2-хр.

Ошда Ва

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.
Ислом КАРИМОВ

1 (1204)-сон 7 январь 2015 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



3 **РАҲМАТ БОБОНИНГ ДУОЛАРИ**

Абдурайим АБДУВАХОБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҚИЁФАМИЗ ТЕНГ БЎЛСИН!



4



5 **ЮРАКЛАРДА ЯШАЁТГАН ШОИРА**



ЎзА сурат-лавҳаси.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Ўткир **ХОШИМОВ**,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ФАРИШТАЛАР

Қадрият

Хонадонингизда **КЕКСА** одам бор? Бахтли экансиз! Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз, шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз.

Хонадонингизда **ГҲДАК** борми? Сиз ҳам бахтли экансиз... Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз, гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини ўйлаб, таскин топасиз...

Мухтарам юртдошлар! Онлангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176



САЙЛОВ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси расми Мирзо-Улугбек Абдусаломов 22 сайлов округининг ҳар бирида асосий сайлов натижалари бўйича энг кўп овоз олган икки нафардан депутатликка номзодга такрорий овоз берилганини маълум қилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар сайловчидан 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи такрорий овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 76,9 фоизини ташкил қилди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги ба-

Ж а р а ё н

ённоналари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутати рўйхатга олинди. Шу тариқа барча 135 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови якунланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, 150 депутат, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон "Миллий тиклавиш" демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланганини маълум қилди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизлардир.

Ўз мухбиримиз.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАСИ

Ҳар кун эрта тонгда Каттақўрғон шаҳридаги Завқий номли кўчадан, аниқроғи, таниқли газалнавис шоир Холис Қобуловнинг катта фарзанди Шермамаат ака Қобулов хонадонидан ҳарбий кийими ўзига ярашган, чиройли жуссаси ва ҳаракатлари кишининг эътиборини тортадиган жувон шаҳдам қадамлар билан ҳарбийлар шаҳарчаси томон ошиқади.



бормадик, имкон қадар кўллаб-қувватладик.

Ҳарбий касбни эгаллаш ва шу соҳада фаолият юритиш осон эмас. Бунинг учун қатъий ирода, касбга садоқат, юксак масъулият талаб қилинади. Гулнора Мусаева шаҳардаги б-умумтаълим мактабини битиргач, Каттақўрғон тижорат техникумининг (ҳозирги иктисодиёт коллежи) сиртки бўлимига ўқишга кирди ва ҳисобчилик касбини эгаллади. Ўқиш билан бирга у шаҳар алоқа узелида ишлади. Алоқателекоммуникация, радиотехника сирлари билан қизиқиб, шу соҳадаги билимини оширди. 2000 йилда шаҳардаги касб-хунар мактабидан ўқиб, радиомеханиклик касби сирларини ҳам пухта ўзлаштирди. У ўз мақсадига эришиш, Ватан ҳимоячилари сафида хизмат қилишдек юксак ишончга мушарраф бўлиш учун барча қийинчиликларни энгиб ўтди ва орзусига етишди. 2001 йилнинг февралдан унинг ҳаёти ҳарбий хизмат билан боғланди. Мана 13 йилдир

Б у р ч

ки, Гулнора ўз ҳарбийлик бурчини, унга ишониб топширилган вазифаларни астойдил ва аъло даражада уддалаб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Зиёли оилада ўсгани учунми, у ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, иродасини чиниқтириш, сиёсий жиҳатдан етук билим олишларига алоҳида эътибор беради ҳамда бу масалаларда ёш аскарлардан маслаҳатини, ёрдамини аямайди. Кўнгли очик, тўғрисузлиги туфайли ҳамкасблари ўртасида ҳам хурмат қозонган.

— Гулнора иродали, сабр-тоқатли, қатъиятли, шу билан бирга яхши инсоний фазилатларга эга, қалби пок аёллардан. Биз доим уни сулоламиз ёшларига ўрнак қилиб кўрсатамиз, — дейди қаҳрамонимизнинг амаскиси, собик ички ишлар ходими, милиция майори Нурмамаат Қобулов.

Гулнорани таниган билганлар бу фикрни кўллаб-қувватлашади. У ота-онаси, фарзандлари ва дўстларига ғамхўр ва меҳрибон. Хизматдан чарчаб келганда ҳам у уч фарзандини ювиб-тараш, ўқув дафтарларини, кундаликларини кўздан кечириш, улар билан суҳбатлашишга алоҳида вақт ажратади. Уларнинг ҳар томонлама етук инсонлар, Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб ўсишларини истайди.

Исмаилю УМАРОВ,
Мамадали ЭРҒАШЕВ.
Каттақўрғон шаҳри.

ЯНГИ РУКН: ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганидан бери мамлакатимизда фаол, иқтидорли қизларнинг сафи янада кенгайиши, уларнинг ижтимоий фаоллиги ошиши ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига кенг имкониятлар яратилди. 2000-2014 йиллар давомида 212 нафар қизлар адабиёт, маданият, санъат, спорт, фан, таълим йўналишидаги қувончли ютуқ-

лари учун ушбу нуфузли мукофот совриндори бўлди.

Бугунги кунда Зулфиячи қизлар республикамиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиш билан бирга, турли йўналишдаги таълим масканларида таҳсил кўришмоқда.

Бугундан эътиборан биз "Зулфияхоним издошлари" деб номланган рукн остида ушбу мукофот соҳибаларининг ижод намуналаридан айрим парчалар эълон қилишни режалаштирдик. Шунингдек, нафақат ижодкор, балки бошқа соҳалар бўйича эътироф этмоққа арзигулик ютуқларга эришган Зулфиячи қизлар фаолияти хусусида ҳам ҳикоя қилиб борамиз.



Зебо НУРМОҶОВА

ВАТАН

*Номингни бер, толеймга тақиб кўнай,
Меҳр бўлиб пок дилларда оқиб турай,
Сенинг бахтли қизинг бўлиб учиб юрай,
Юрак ҳароратим чўғисан, Ватан!*

*Соғинганда Сенга ташна жоним ҳалак,
Сенга жоним берай, дея оним ҳалак,
Куйларига сеҳрланган торим ҳалак,
Юрак ҳароратим чўғисан, Ватан!*

*Тумарис-у Куброларнинг йўлини тилаб,
Аму бўлиб дилгинанга тушсам қулаб,
Ватан десам, бошгинамдан ўпиб, силаб,
Юрак ҳароратим чўғисан, Ватан!*

*Остонангда хурлик отлиғ тамал тоши,
Омон бўласи, шу элимнинг азиз боши,
Қизим десанг, кўзларимда севинч ёши,
Юрак ҳароратим чўғисан, Ватан!*

ОИЛА

Соғлом турмуш тарзи

МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРОВИ

Оила муқаддаслигини сақловчи энг муҳим омиллардан бири, бу, энг аввало, ота-онанинг тинч-тотув турмуш кечирishiга боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги алоҳида таъкидланган. Шу маънода юрт фаровонлиги, жамиятимиз ривожини, тараққиётида оила мустаҳкамлиги асосий ўрин тутади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатида оила ва никоҳ масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Маълумки, Бош қомушимизда оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жорий этилган "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" ўқув курси ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенгрок тар-

ғиб этиш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш, йигит-қизларни оилага тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Эътиборли жиҳати, Самарқанд вилоятидаги 170 дан ортқ академик лицей ва касб-хунар коллежида "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" ўқув курси машғулоти изчил равишда ташкил этилган. Белгиланган 16 соатлик курс машғулотларини керакли билим ва малака, шунингдек, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган педагоглар олиб боришмоқда.

Қолаверса, мазкур курс бўйича ўтказилаётган дарсларга туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари, хотин-қизлар кўмиталари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ҳам тақлиф этилиб, очик мулоқотлар уюштирилиб, қонунчиликда белгиланган никоҳ ва оила муносабатларидаги зарур тартиб-қоидалар, ота-онанинг оила ва фарзанд олдидаги ҳуқуқ-мажбуриятлари, энг асосий мезонлардан бири бўлган тиббий кўрикнинг аҳамияти хусусида ёшларга муфассал маълумот берилаяпти.

Ўз мухбиримиз.

Раҳмат бобо тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватида яшайди. Ҳар тонг деразадан ташқарига назар ташлаганда кўз ўнгида "Истиқлол" санъат саройи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муҳташам кошонаси, ён-атрофдаги турли-туман инфратузилмалар яхлит манзара сифатида намоён бўлади.

У киши пойтахт манзарасига томошабин нигоҳи билан эмас, балки бутун умрини қурувчилик касбига бағишлаган инсон назари билан қарайди. Бир-бирига бами-

биёт масканларида у кишининг қирқ йиллик заҳматли меҳнатлари самарасини кўриш мумкин.

— Биз ишлаган даврда йирикроқ иморат қуриш учун

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

бошимиздан кечган азоб-укубатларни гапирсак, эҳтимол, бугунги ёшларга эртадек туюлар. Лекин ўтган кунларни унутиб бўлармиди. Дарҳақиқат, бугунги дорилдамон кунлар кадрига етмоқ учун ҳам ўтмишни ўрганиш лозимлигини унутмайлик.

Йиллар мобайнида тўп-ланган бой ҳаётини тажриба Раҳмат бобонинг гап-сўзларида акс этиб турибди.

РАҲМАТ БОБОНИНГ ДУОЛАРИ

соли умумий ансамбль каби уйғунлашиб кетган биноларнинг архитектурасига баҳо беради, ландшафт дизайнини таҳлил қилади. Шарқ дарвозаси деб таърифланган Тошкентнинг кўркем кўришнини кашф этган меъморларнинг тарихий хизматларига қойил қолади.

Дунёда инсон манфаатларини, эҳтиёжларини қондирувчи касблар жуда кўп. Раҳмат бобо ўзи танлаган касб — қурувчиликни дунёда энг тинчликпарвар касб деб ҳисоблайди. Аслида ҳам одамлар турмуши учун энг зарур хизматни адо этувчи, бунёдкорлик, яратувчилик деган эзгу сўзларга маънодош бу касб умрининг саксон еттинчи ёшига қадам қўяётган инсон ҳаётининг мазмунига айлиб кетган.

Илгари бўм-бўш жойда янги иморат қад ростласа, унга ажиб қувонч билан одамлар қадам қўйса, шу лаҳзаларда ўша иморатни қурган инсоннинг ҳолатини тасаввур қила оласизми?! Раҳмат Муҳаммадиев тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам яйдоқ кенгликларда, аниқроғи, Жиззах чўлларида узок йиллар қурилиш ташкилотига раҳбарлик қилди, меҳнатлари эътирофи сифатида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи фахрий унвони билан тақдирланди. Бугунги кунда Пахтакор, Мирзачўл, Дўстлик туманларидаги қанчадан-қанча мактаб, болалар боғчаси, пахта заводи, тиб-



— Инсон бу дунёда ўзининг мустақкам оиласи билан қудратли, обрў-эътибор қозонади, — дейди нуруний оқсоқол. — Турмуш ўртоғим Римма Муратшина эртаю кеч менга парвона. Худогаминг қатла шўқри, тинч-осойишта замонда фарзанду неварачевараларимизни дуо қилиб ўтирибмиз. Янги йил арафасида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил таб-

собиқ иттифоқ руҳсати талаб қилинарди, — дея хотирлайди суҳбатдошимиз. — Асосий кучимиз ўша тўсиқларни енгиларга кетарди. Ҳозирги ҳамкасбларимга ҳавас қиламан, юртимиз ободлиги учун эмин-эркин ишлашга шароит яратилган.

— Мустабид тузумнинг яна қандай қийинчиликларига гувоҳ бўлгансиз?

— Эҳ-ҳе, нафақат гувоҳ бўлганман, ўша қаттолликларга қарши курашганман ҳам. Гдлян, Иванов каби иймонсиз каззоблар "ўзбеклар иши"ни тўқиб, халқимиз устига мағзава агардан йилларни эслайлик. Ички ишлар генерал-майори, акам Отамурод Муҳаммадиевни ноҳақ айблаганди, қамоққа олишди. Ўша йиллари биродаримни кузгунлар чангалидан кутқариш учун Москва кўчаларида ойлаб сарсон бўлганимни эсласам, Ўзбекистон халқининг мустақиллик деган олий неъматни қўлга киритишида улуг хизматлари сингган Президентимизга таъзимлар қиламан. Ҳозир ўша замонда

ригида барча-барча оилаларга, шу жумладан, биз кекса нурунийларга бахту саодат ва омад тиланганлари қалбларимизни қувончга тўлдирди.

Дарвоқе, ҳар ким ўз хонадонига ором топса, кўнгли тинч, ҳаёти фаровон бўлади. Кадрдон дўстлар, шогирдлар бу оилага келганда атроф янада чароғон бўлиб кетади. Навқиронлик йилларидаги ёруғ хотиралар эсланади, қизиқ-қизиқ хангомалар ёдга олинади.

— Биз кексаларнинг ниятимиз, гўзал ва тўқис-тўқин ҳаётимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, — деб дуога қўл очади Раҳмат бобо. — Насиб этса, Ўзбекистонимиз дунёнинг манаман деган ривожланган мамлакатлари қаторидан ҳоқ олади. Ўша кунларга етсак, армонимиз йўқ.

Раҳмат бобо сингари пок ниятли инсонлар дуоли ижобат топишига асло шубҳамиз йўқ.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

СЕҲРЛИ ҚҶЛЛАР СИРИ

Қўқонлик Венера опанинг катта бувиси ҳам, онаси ҳам майин толаларини йиғиришга, улардан жилвакор либослар, турли буюмлар тўқишга ўз умрини бахшида қилган. У қизалоқлигидаёқ тўқувчиликнинг анча машаққатли ҳунари эканини сезарди. Аммо бу машаққатлар меҳнаткаш аёлнинг истеъдодини сўндирмади. Мана 45 йилдан зиёд вақт ўтганига қарамай, тўқувчи опанинг зийрак кўзлари толаларни саралаб, чаққон қўллари бежирим махсулотлар яратишдан чарчагани йўқ.

— Ота-онам асли бошқирдистонлик, тақдир тақозоси туфайли мен шу юрт тупроғида туғилдим, камол топдим, — дейди хунарманд-тадбиркор Венера Калимуллина. — Мустақил мамлакатимизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ истикомат қилмоқдалар. Хунармандларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلарни айтмайсизми. Бу хунар менга онамдан ўтган. Харидорнинг талаби нозик. Шундан келиб чиқиб хусусий тадбиркор сифатида ҳозирда 20 га яқин махсулотларни сифатли тайёрлашга ҳаракат қилаймиз. Атрофимда шу касбнинг сирларини ўрганишга интилаётган 100 нафарга яқин шогирдларим бор. Улардан ҳеч нимани аямайман. Бироқ, биласиз, хунар ўрганиш учун ҳам қобилият ва кунт зарур. Тўқилган либос ўзининг нафислиги билан тез кўзга ташланади.

Хунарманд билан суҳбатимиз чоғида хонадоннинг ҳар ерида безакдек жилоланаётган ўргимчаксимон тўрли, момик рўмоллар, шарфлар, кофта, юбка, нимчалар диққатимизни тортди. Чархнинг шовқини ҳам шу хонадон файзига айлиб қолган. Бу ерда ҳаёт қайнайдди. Тўқувчи опанинг халқро танловларда голиб бўлиб, қўлга киритгани — диплом ва сертификатларни кўздан кечирамиз. Ҳаммасида Венера опанинг юксак маҳоратига берилган эътирофлар битилган.

Венера опанинг юмушларига ўғли Умиджон ҳам яқин кўмакчи. Ишбилармонликни қарангки, тўқувчилар оиласи нафақат эски услубдаги қўл меҳнатидан, балки янги замонавий чархлардан ҳам фойдаланиб, самарали меҳнат қилмоқдалар. Юртимизда ишбилармонликнинг қўллаб-қувватланиши, қўлай тадбиркорлик муҳити бу борада амалга татиб эътилоётган қонун ва фармонлар тадбиркор аёлнинг ишларини ривожлантирди. Унинг иш намуналари пойтахтимизда ва халқаро танловларда кўплаб кўргазмаларни безади. Хусусан Венера Калимуллина Ўзбекистон расмлар уюшмаси, санъатшунослар ва халқ усталари ассоциациялари томонидан ўтказилган "Ижод" кўрик-танловлари голиби. Шунингдек, ҳар йили Қирғизистон Республикасининг Иссиққўл шаҳрида бўладиган "Оймо" фестивалининг совриндори ва бугунги кунда ҳам унинг фахрий иштирокчиси. Қозоғистонда бўлиб ўтадиган "Қара-ван сарай", "Время тюльпани" танловларида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритган. Хунарманд қўлида сайқал топган либослар Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия давлатларининг турли шаҳарларида ҳам доврўғ қозонди.

Бир сўз билан айтганда, Венера Калимуллина кўхна Хўқанди латифда яшаб, ўзи ардоқлаган момомерос хунари ортидан иззат, эъзоз топди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фаргона вилояти.



КУЛИБ ЮРГАНЛАР БАХТЛИ

У ҳар куни эрта тонг даёқ яхши кайфиятда уйдан чиқаркан, йўл-йўлакай қаршисидан ўтиб-қайтаётган ёшу қаридан эринмасдан ҳол-аҳвол сўрайди. Ўзининг ширинсуханлиги, ҳазил-хузуллари билан кўпчиликка шодмонлик улашади.

— Касбим стоматолог бўлгани учунми, одамларнинг ҳар доим кулиб, юзларидан табассум аримаслигини хоҳлайман, — дейди Ургут туманидаги стоматология маркази раҳбари Нурид-

динхон Мунавваров. — Чунки тўрт мучаси соғлом киши, нафақат тишлари, балки, бирор аъзоси огримаганлар кўлади-да. Жони огриганнинг эса кўнглига ҳеч нима сиймайди, дунё кўзига тор кўринади. Бизнинг марказимизга иши тушганларнинг дардини аритиб, юзларидаги кулгини кўрсам, барча чарчоқларимни унутаман.

Нуриддинхон ака Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатгач, ҳеч иккиланмасдан, тўғри ўзи туғилиб ўсган сўлим гўшага қайтиб, иш

бошлади. Йиллар ҳам шамолдай ўтиб кетди. Мана, ўттиз уч йилдири, у элдошларига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Камтарин, камсуқум, хушчақчақ бу инсон ҳаётидаги барча ютуқларга ўзининг ҳалол меҳнати ортидан эришган. Умр йўлдоши Комилахон опа билан тумандаги Урамас маҳалласида 35 йилдан бери аҳил-иноқликда яшаб, тўрт қиз ва бир ўғилни вояга етказишди. Фарзандлари ҳам бири-биридан ақли, одобли. Айни пайтда эл-юрт қорига ярайдиган хунар

сохиблари.

— Нуриддинхон жуда меҳр-окибатли, қариндошуруғ дейсизми, қўни-қўшини, бегонами, қўлидан келгунича кўмак беради, — дейди маҳалла фахрийси Олим ота Раҳимқулов. — Агар қишлоғимизда бирор киши хасталикка чалинган бўлса, у, албатта, бориб хабар олади. Ўзим ҳам бир неча йилдан бери тўшақда ётибман. Нуриддинхон вақт топди дегунча тез-тез йўқлаб, кўнглимни кўтариб туради. Яқинда кизик бўлди денг,

Орамингдаги одамлар

ўзлариникида неварга тўйи ўтапти. Уйлари меҳмонга тўла бўлсаям, қўлида ош кўтариб, ҳолимдан хабар олгани келибди. Бундай оқибатлиликни кўриб кўзларимга ёш тўлди...

Бундай хайрли ишлари билан эл-улус дуосини олаётган инсонга ҳар қанча раҳмат айтиб, таъзим қилсак арзийди.

Зарина РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Абдурайим АБДУВАХОБОВ,
“Дўстлик” ордени соҳиби,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҚИЁФАМИЗ ТЕНГ БЎЛСИН!

— Абдурайим ака, болалик йилларингиздаёқ Шум бола қиёфасида элимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлгансиз. Айтинг-чи, ўша машҳур фильмда роль ижро этмаганингизда ҳам актёр бўлармидингиз?

— Албатта, чунки болалигимдан оқ санъат соҳасига, айнан актёрликка қизиқардим. Образга кириб, ўз-ўзимга гапириб юришимга кўзлари тушган отам раҳматли онамга: “Шу ўғлинг артист бўлади-ёв”, деган экан. Аслида қариндош-уруғларимиз орасидан актёр чиқмаган, лекин бобом — онамининг отаси санъатни чуқур тушунадиган, зиёли киши бўлган. Отам раҳматли ҳам бир неча тилни биларди, ниҳоятда ўқимишли, билимдон, зиёли киши эди. Балки шунинг учунми, менинг санъатга бўлган меҳримни отам сезгандир. Ҳатто биринчи синфга борган пайтимда ўқитувчим: “Хўш, Абдуваҳобов, катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?” деб сўраганида, ҳеч иккиланмай: “Артист бўламани!” деб жавоб берганман. Ана шу орзу мени 3-синфда ўқиётган кезларимдаёқ драма тўрагагига етаклаган.

— “Шум бола” ролига шу даражада мос тушгансизки, асар худди сизга атаб ёзилгандек. Фильм тарихи, бу ролга муносиб кўрилганингиз хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— 1968 йили халқимизнинг атокли адиби Фахридун Фулом асари асосида саҳналаштирилган “Шум бола” видеофильмида Шум болани илк бор Хайрулла Саъдиев ижро этган (кейинчалик устоз Ўзбекистон халқ артисти уновонига сазовор бўлди). Ўша



шу синовдан ўтиб, ўзим яхши кўрган ролга тасдиқланганман. Кинофильм ҳақиқатан ҳам зўр чиқди. Аввало, асар мукамал, бадий жиҳатдан тўқис ёзилган-да. Қолаверса, асар устида ишлаган ижодий гуруҳ, танланган актёрлар ансамбли ҳам ушбу кинонинг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган, деб ўйлайман. Айниқса актёрларнинг ижроси шу даражада ишонarli ва ҳаққоний эдики, мен болалик беғуборлиги билан тасвирга олиш жараёнида баъзан ҳақиқий ҳаётда шундай ҳодисалар бўлапти, деган ўйга ҳам борардим.

Асарнинг ана шундай бадий етуқлиги ва устоз санъаткорларнинг маҳорати туфайли, мана салкам қирқ йилдан бери бу кинофильм экрандан тушмайди ва қайта-қайта томоша қилинса-да, кўнгилга тегмайди.

Ўзимга келсак, болалигимда у қадар шўх ва шумтака бўлмаганман. Шум бола билан яқинлигимиз — мен ҳам отамдан эрта етим қолиб, унинг меҳрига тўймай ўсганман.

меҳрибон, кўнгилчан инсон эканлигини кўрсатиб бера оласиз. Шу сабабданми, сиз ўйнаган сержаҳл қаҳрамонни ҳам ёмон кўриб бўлмайди.

— Аслида бутунлай ёмон одам йўқ. Нафақат кино ёки театр саҳнасида, балки ҳаётда ҳам одамлар юз фоиз хушчакчак, қувнок, ғам-ташвишини кулгу билан енгадиган, ёки ўта шафқатсиз, қаттиққўл, баджаҳл бўлмайди. Инсоннинг феъл-атвори шаклланишида атроф-муҳит, у тарбия топган оила ва жамиятнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳамма ҳам ўзидаги қандайдир хусусиятни яшириш учун, бошқаларга ўзига хос ниқоб билан кўринади. Мен ҳаётга реал қарайдиган одамман. Актёр талқин этаётган образининг ички қиёфасини тўла очиб бериш учун бу ҳақиқатни яхши англаган бўлиши керак. Балки шу фикрларим ўйнаган ролларимга таъсир этар. Инсоннинг ички ва ташқи қиёфаси тенг, барабар бўлиши керак!

— Санъаткор сифатида армонингиз борми? Қандай ролларни ўйнашни орзу қиласиз?

— Айтганимдек, мен реал инсонман, ҳадеб орзу-хаёлларга берилмайман. Кўп нарса бизга эмас, режиссёрга боғлиқ. Режиссёр мени қандай ролда кўрса ва ўша образни маромига етказиб ижро этишимга кўзим етса, каттами-кичикми деб ўтирмай, ўйнайвераман. Лекин образ танлашда жуда талабчанман. Мен ўйнайдиган роль жуда кичкина бўлса ҳам, бир неча дақиқалик кадрда кўринса ҳам, лекин эсда қоладиган, тугалланган, ўша спектакль ё фильм учун аҳамиятга молик, томошабинга маънавий озуқа беришга ярайдиган образ бўлиши керак.

— Оилангиз хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Онажоним Буриниса ая билан бирга яшаймиз, табаррук ёшдалар, умрлари зиёда бўлсин! Турмуш ўртоғим Гул-

Гурунг

норахон билан уч фарзанд — икки ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Аёлимдан миннатдорман, касбимиз тақозоси билан хизмат сафарларида, тасвирга олиш жараёнларида бўламиз, шундай пайтда, оиламдан, онажоним ва фарзандларимдан кўнглим тўқ юраман. Шу сабабдан ҳам аёлимнинг меҳнатларини эътироф этаман.

— Сизнингча, оила мустақамлиги кўпроқ қимматли ёки — эркакми ё йилми?

— Оиладаги хотиржамлик кўп ҳолларда эркакка боғлиқ, деб ўйлайман. Эркак хонадон чироғи, устун, демек, рўзгорнинг моддий-маънавий таъминоти унинг зиммасида бўлади. Мана шу икки ҳолат бўйича таъминот яхши бўлса, ҳар бир оила мустақам, бутун бўлади. Шунга кўра, ўз-ўзидан тинч-тотувликни таъминлаш учун аёлдан кўра, эркак кўпроқ масъулиятни ҳис этиши керак, деб ўйлайман.

— Ўтган йили Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик юбилеи нишонланди. Бундай тантаналар ижодкорни катта-катта ижодий мақсадлар сари илҳомлантириши шубҳасиз. Шу кунларда кўнглингиздан қандай ўйлар кечаяпти?

— Шундай катта тўйларга етганимиз, муқаддас театримизда хизмат қилаётганимизнинг ўзи биз учун катта бахт. Ушбу тантана муносабати билан муҳтарам Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, жамоамиздаги бир гуруҳ актёрлар юксак мукофотларга муносиб кўрилди. Мен ҳам “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Бундай юксак эътибор театримиз жамоасига катта рағбат берди. Энди шу ишончга муносиб равишда масъулият билан ишлашимиз керак. Замонамиз қаҳрамонларини саҳнага олиб чиқиш, юртимизда рўй бераётган янгиланишларни бадий талқин этиш борасида ижодий режалар тузаяпмиз. Эсда қоларли роллар ижро этиб, халқимиз кўнглидан жой олишга астойдил интиляпмиз.

— Муштарийлар, халқимизга янги йил тилакларингиз...

— Яратганга беҳисоб шукрки, соғ-саломат, баҳамжихат янги йилни ҳам кутиб олдик. Илоҳим, “Кексаларни эъзозлаш йили” барчага кутлуг, омадли ва унутилмас воқеа, янгилик, ўзгаришлари билан эсда қоларли бўлсин! Яхши одамларнинг умрлари зиёда бўлиб, кексалар, пире бадавлатлик мартабасига эришсинлар. Санъаткор дўстларимиз, ёшларимизнинг ишларида ривож берсин, юзлари ёруғ бўлсин! Муҳлисларимизнинг оилалари мустақам, саодатли бўлсин, хонадонлари нурга тўлсин!

Умида АДIZОВА
сўхбатлашди.



ТЎЗИМЛИ — “тўзим” сўзи кишининг машаққат ва қийинчиликларга чидаш қобилияти, чидам, бардош маъноларини англатади. “Тўзимли” сўзи “чидамли”, “бардошли” деган мазмунни ифодалайди.

— Сиз ҳали шу ерда бир-икки кун бўларсиз. Тўзим берсин! — деди.

Асқад Мухтор

ҚИЁМ — нарсаларнинг белгилари ва хусусиятларининг меъёрга етган ҳолати тилимизда “қиём” сўзи билан ифодаланади. “Қиём” сўзининг туб илди-зи “қўтарилди” деган маънони англатган. Тилимизда қуёш тиккага келган пайт ҳам “қиём” сўзи билан ифодаланади. Шунингдек, шакарни сувдан қайнатиб тайёрланган қуюқ шарбат ва мураббо ҳам “қиём” деб аталади.

Қиём вақтида бир қанча болалар “тўй келди, тўй келди” деб бақчириб-чақчириб югуришди.

Ойбек

САРИЙОҚ — мол сутидан ажратиб олинadиган ёғ маъносини билдирган бу сўзнинг туб илди-зи ҳақида турли қарашлар мавжуд. Бу ердаги “сари” сўзи ранг маъносидан келиб, “сариқ ёғ” деувчилар ҳам бор. Айрим тилшунослар “сари” сўзи “сара” сўзидан келиб чиқиб, бу сўз “сара ёғ” маъносини англатади дейишади. Шунингдек, қадимги тилимизда “айлантир” маъносини англатган “сари” феъли ҳам мавжуд бўлган. Бундай ёғ сутни қувида қайта-қайта айланттириш натижасида олинганлиги ҳам маълум.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



пайтда бу роль шу қадар қойилмақом қилиб ижро этилганки, ўша образ кўз олдимда муҳрланиб қолган. Ҳар сафар асарни ўқиганимда кўз олдимга Хайрулла ака келаварарди.

1976 йил “Шум бола” фильмининг суратга олиш учун 13-14 ёшли болалар орасида кастинг эълон қилинган ва

— Абдурайим ака, кино ва театр саҳнасида ўйнаган ролларингизни кузата туриб, қаҳрамонларингиз қиёфасида икки хил характерни илғаш мумкин. Улар хушчакчак бўлса-да, кўнглида қандайдир изтироби борлиги сезилиб туради, ёки баджаҳл, қайсар образларингизнинг аслида

ЮРАКЛАРДА ЯШАЁТГАН ШОИРА



Мен ўзбек аёлининг оилада тугган ўрни, масъулиятини энг шарафли маърифий мартаба, дегим келади. У машҳур арбоб, атоқли санъаткор, олима ёки шоира бўлса-да, оилани муқаддас деб билса, эрни, қайнона-қайнотани иззат-хурмат қилса, фарзандлари тарбияси, соғлиғи, ҳаёти, орасталик, ҳалоллик ва қаноат унинг шиори бўлса жамиятимиз янада гуллаб-яшнашга эришарди.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, шоира Зулфия ана шундай улуг мартабага эришган оилани аёл эди. У келинлик даврида ҳам, она ва қайнона бўлганида ҳам ижод қилиш билан бирга аёлининг бурчини унутиб қўймади. Зулфия опа ўз оиласида тўрт академик кейин туғилган ягона қиз бўлса-да, ўзи битган самимий иборалар билан айтганда, "Гуллаган ўрикдай ораста оналари Хадича аянинг гулдек тарбиясини олди. Ўқиб берган китобларидан фикри улғайиб, ақлини эрта таниди", "Жони мейнандан яралган, оловкорлик касби билан болаларига нон тоғган" Исроил отасининг фидойилигини, "султонликка лойиқ" акаларининг зуққоликларини ҳам жуда эрта ҳис этганди...

Қадим-қадимдан ўзбек оналари буй қизларига атаб палак тикканлар. Энг табаррук, энг улугвор сеп эди палак. Унинг лоларанг гардиши ичра куёш, ой, юлдузлар порлар, булар оналарнинг ипакка кўчган орзулари, тилаклариди.

Хадича ая ҳам қизлари Зулфияга атаб палак тикибдилар. "Ушбу палакни онам янгам билан биргаликда яратганлар, — деб ёзганди Зулфия опа. — Ўзлари ипак курти боқдилар, пилладак ипак толарини ажратиб олиб, бўядилар. Палак ана шу тарика яратилди... Тўйимиздан сўнг Хамид Олимжон билан яшаган йилларимиз палакдаги куёш тасвири кўнглимиз, уйимизга ёруғлик бахш этар эди..."

Янгамга эш бўлиб, тикдим палагим Қоғоздан сир тутган сатримни тепчиб. Гулларда, палакда ширин тилагим Кўзимдан ёшликнинг нурларини ичиб...
Эътибор бераяписи, Зулфия ўша, буй қиз пайти-

даёқ шеърлар ёзиш билан бирга янғаси ёнига кириб чеварлик қилган. Янгаларининг, онаизорининг оила юмушидаги санъатларини зийрак нигоҳ билан кузатган.

— 1932 йили биз адабиёт ихлосмандлари ёзувчилар уюшмасидаги машғулотларга борардик, — деганлар Зулфия опа. — Машғулотларни Уйғун ва Хамид Олимжон бошқарди. Яшириб ўтирмайман, Хамид Олимжон илк учрашувларданок кўзимдан қалбимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан унинг кенг қалби, улкан иқтидорини кўрдим...

1934 йили журналлардан бирида шеърим эълон қилинди. Қаранг-а, эртасига Хамид Олимжонга дуч келдим. "Шеърингизни ўқидим, — деди у ошқора меҳр билан. — Яхши! Нимагалигини айтмайми? Шеърингизда қалб-бингизнинг суврати бор!"

Ҳа, бу алломаларни учраштирган буюк неъмат бу — шеърят! Шоира юрагидан жой олган афсонавий кудрат эса муҳаббат!

"1935 йили тўйимиз бўлди. Биз яйраб яшар эдик", деб ёзган эди устоз. Ҳа, яйраб яшаган куёв-келинининг ижод курсилари ўша уйлари-ни ҳам, кўнгилларини ҳам ёритган чўғдек палак ёнида эди. Ана ўша сурат! Зулфия устози, умр йўлдоши Хамид Олимжонга янги шеърини ўқиб бераяпти. "Азиз кишимга шеърим маъқул бўлармикан?" деган нозик бир андиша бор унинг нафис, беозор нигоҳида.

Ҳа, тасаввур этаман. Ҳаё маъбудаси Зулфияхоним ҳеч

қачон умр йўлдошига тик қараб, бир сўз айтмаган, рўзгор муаммоларидан нолимаган. Албатта, ҳамма қатори буларнинг ҳам ҳаётида қийинчиликлар бўлган. Ижарага олинган, ховлиси умумий бўлган коммунал уйда, ҳеч қандай шароити йўқ учта кичик-кичик хонада кичкинтойлар Хулқар, Омон қувончи билан яшаган. Ўша учта хонанинг ҳам бир хонаси ошхонага ажратилиб, керосин билан ёнадиган қора керогазда овқат пиширилар, чой қайнатилар, ташқаридан сув ташиб келтирилар эди...

— Бир куни Комила аяжоним ўғил-қизлари билан Жиззахдан келишди, — деганлар Зулфия опа ҳаяжон билан сузук кўзларида меҳр товланиб, — қувончимиздан ўтказгани жой тополмай қолдик. Бир кеча меҳмон бўлиб, эрталаб йўлга тушмоқчи, Жиззахга қайтиб кетмоқчи бўлишди. Хамид ака менга, мен Хамид акага қардим. Хамид ака сукут сақладилар. Чунки турар жойимиз куш уясидай тор эди. Сўнг мен қайнонамга: "Аяжон, шу кундан бошлаб, қиз билан бирга яшайсизлар. Кулбамиз кичик бўлгани билан феълимиз, даргоҳимиз кенг. Сизлардан айро яшашимиз ақлга тўғри келмайдиган гап. Насиб қилса хали ўз уй, ўз ховли-жойимизга ҳам эга бўламиз", деб туриб олдим. Шу-шу қайнонам, қай-нинг Сарваржон, қайсингилларим Роҳатхон, Сабоҳатхон, Муҳаббатхон, жами тўққиз киши ўша куш уясидай тор иккита хонада яшай бошладик. Шу йўсин биз энди эди билан тирноққа айланиб қол-

гандик. Кўпда барака, аҳли-иноқликда ҳикмат, саҳийликда файз борлигига ўшанда инонгандим..."

Ҳа, саҳийликда, аҳилликда файз бор, барака бор, устоз! Сиз ана шу меҳрингиз, фазилатингиз учун ҳам кўпнинг дуосини олдингиз. Кўпнинг юрагига кириб боролдингиз. Балким ўшанда Хамид Олимжон ҳам беадад суюнгандир, сиздан миннатдор, рози бўлгандир. Ўзини бахтли сезиб, чин дилдан ушбу сатрларни ёзгандир:

Қизим сиздай бўлсин, суюкли, Ўғлим бўлсин мендай хуш толега ёр!

Ҳа, ўшанда Комила бувининг мактаб ўқувчилари бўлган ўғил-қизларига маънавий, ҳам моддий ёрдам сув билан ҳаводек зарурлигини Зулфия юракдан ҳис этди. Ташқаридан олиб қолиб, уларни ўқитди, олий ўқув юртларига жойлади. Хамид Олимжондан кейин ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларида улардан ёрдамини аямда. Ва бир умр уларнинг иззат-хурмати, Комила аянинг миннатдорчилигига, дуоларига сазовор бўлди.

Дарвоқе, 1941 йили ўша тўққиз кишилиқ оила Хамид Олимжон қурган янги, кенг уйларга кўчиб ўтиб, эндигина яйраб-яшнаб яшай бошлаган эди. 1944 йили эса... бу оила бошига мусибат тушди...

Зулфия қуйди-ёнди. Лекин кўз ёшларини бировга кўрсатмади. У қаддини ростлади. Атрофга ақл-идрок, ирода кўзи билан боқди. Хамид Олимжондек яшаш, меҳнат қилиш, Хамид Олимжон учун ҳам, ўзи учун шеър ёзишга, фарзандларга ҳам ота, ҳам она бўлиб йўлга солишга қатъий аҳд қилди. Комила бувига ҳам ўғил, ҳам келин бўлиб таскин-тасалли беришни ўйлади.

Қайнона-келин бир-бирларига қоядек суюнч, малҳамдек юпанч бўлдилар. Хулқар ва Омонни ардоқлаб тарбияладилар. Комила буви келинига ёқадиган таом ҳозирлар, олдини келинига атаб олиб қўйиб, кейин эшик ёнига чиқиб, унинг ишдан қайтишини кути-и-иб ўтирарди. Меҳрини йўлига поёндоз қилиб, тили дуодан бўшамасди.

— Бувинг ниҳоятда оқила аёл, — дердилар Зулфия опа қизлари Хулқарга. — Мен бувингдан ота-она меҳрини, ардоғини кўрдим. Мен бувингнинг сира қалқмас ишончига сазовор бўлдим. Бахтимизга бувинг юзга кирсинлар...

Ҳа, Комила буви узоқ яшарди. Хулқар ва Омоннинг

тўйларини кўрди. Эвара-чеваралар шодлигидан баҳра олди.

Оқила, ақли ва адабиётшунос олима бўлиб етишган Хулқар Олимжон ва академик ёзувчи Ойбек ва кимёгар олима Зарифа Саидсирова хонадонига муносиб келин бўлди. Уларнинг дуосини олди. Ўзбекистон Миллий университетда адабиётшуносликдан дарс бериб, обрў топти, тўрт фарзандни вояга етказди. Файласуф олим Омон Олимжон эса нуфузли идорада кўп йиллар хизмат қилди. Шифокор олима Риояхоним билан бир-бирларига суюнч бўлиб, ақли, илмли фарзандларни вояга етказишди. Биз шогирдлар эса доимо Риояхоннинг қайнона — ойижони Зулфия опага кўрсатган меҳрибончиликларига, унинг қалбига йўл топа билганига ҳавас қилардик. Шоира ҳам Риояхонни севиб, ардоқлади. Барча эзуғликларни улга раво кўрди. Қудаларининг ҳам иззат-хурматларига сазовор бўлди...

Эҳ-че, шоира Зулфиянинг шогирдларига, мухлисларига қилган, биров билиб, биров билмаган яхшиликлари қанча, уларни айтиб, ёзиб адо қилиш мушкул. Бир-бирлари билан севишиб, Зулфия опанинг кўмаги туфайли муродига етганлар, уйли-жойли бўлганлар, ноҳақликни енгиб, ҳақиқатга етганлар қанча. Устознинг беминнат маслаҳати, даъвати билан ижод йўлида дадил қадам ташлаб, ижодкор бўлганлар-чи. "Саодат" журнаliga 35 йил муҳаррирлик қилиб, унинг саҳифаларини бойитган дил сўзларини айтмайсизми. "Саодат" деб ном олган табаррук мактабда ҳаёт ва адабиёт илмидан сабоқлар олиб, эл олқишига сазовор бўлган юзлаб қаламкашлар бугун ҳам қизгин ижод билан банд.

Буюк истиқлол нашидасидан илҳомланган суюкли шоира мустақиллик даврида ҳам ёниб, жўшиб ижод қилди. Бир умр камтарликни, чин инсонийликни касб этиб яшаган Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним:

Меҳнатимдан ортиқ сочди бoshдан зар Мен эса хижил. Келар йилларимга ташлайман назар Бурчларим шигил...

деб ёзди ва бойлигини, ўзлигини, бутун ижодини Ватанига, халқига бағишлади. Дарҳақиқат, улуг шоира минглаб, миллионлаб юракларда яшайверади.

Санъат МАХМУДОВА.

Кекса бир ҳинд устанинг шогирди бор эди. Шогирд бўлар-бўлмаста ҳаётдан ноливерарди.

Қулларнинг бирида уста шогирдини туз олиб келишга бозорга юборди. Шогирд келгач, бир косада унга сув узатди-да, ичига туз солишни буюрди.

— Энди, ич, — деди уста шогирд сувга туз солиб аралаштирач.

Шогирд бир хўлам ичди-да, тупуриб ташлади.

— Нима бўлди? — сўради уста.
— Шўр-ку, буни ичиб бўладими?
— жавоб қайтарди шогирд.
— Қани юр-чи, — деди уста ва шогирдини етаклаб қўл ёнига олиб келди.
— Сувга туз ташла! — буюрди уста.
Шогирд унинг айтганини қилди.
— Энди сувдан олиб ич, — яна бу-

юрди уста.
Шогирд қўл сувидан косага олиб ичди.
— Ҳўш, ичса бўладими? — сўради уста.
— Бўлади, — жавоб қилди шогирд.
— Ҳаёт ҳам шундай. Ундаги қийинчиликлар эса туз кабир.
Аммо бу қийинчиликлар ниманинг

УМР МАЗМУНИ

Моҳият

ичига қўйилганига боғлиқ. Коса каби кўнглини тор қиладиган бўлсанг, ҳаётинг косадаги сув каби аччиқ-сўр, кўнглини қўл каби кенг қиладиган бўлсанг, ҳаётинг ундаги сув каби татли, ачиғи биланмас бўлади. Коса эмас, қўл бўлишга урин, деди уста.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси Мафтуна ШОДИЕВА тайёрлади.

...Уйдаги нотинчлик ширин уйқусини ўйраган Аъзамжон эшик ортидан туриб дадаси ва онаси нега жанжаллашаётганини англаб олишга уринди. "Балки, бугун мактабга чиқмаганим учун дадам ойимни койибётгандир, — деб ўйлади-ю, — эртага эски этикчамни кийиб ҳам ўқишга боравераман. Тагидан озгина сув кирса нима қилибди. Дадам ойимни уришмаса бўлди, менга янги этикнинг кераги йўқ", деб қўйди ўзига.

Нигоранинг қалби ўртаниб, калтак муҳри қолган юзини кўз ёшлари ювиб туша бошлаганида хона эшиги очилиб, жавдираганча тўнғичи кириб келди. Аъзамжон жажжи қўлчалари билан бўйнидан маҳкам кучиб: "Ойижон, катта бўлсам, ишлаб, уйга кўп пул олиб келаман. Сизга чиройли кўйлаklar сотиб оламан. Дадам ҳам сизни уришмайди, ўшанда. Фақат, йиғламанг хўп", деди. Жувон ўғилчасининг бошини силаркан, хаёли олисларга олиб кетди.

...Бир пайтлар Нигора ҳам бошқа бўй қизлар каби орзулари осмондан-да юсак, шаддодгина эди. Бирин-кетин шахзодасини топиб, муҳаббат булоғидан сув ичаётган дугоналарига ҳавас қиларди. "Ўқишни тугатиб, бироз ишлай, кейин мен ҳам бир инсон қалбининг эгаси, уйнинг бекаси бўламан", деб ўйларди. Лекин, ҳаёт ва хаёл ўртасида тақдир деган битик бор экан.

Киз бола бамисли гул, кўрган киши узиб олиси келаркан. Институтни тугатар-туғатмас, уйларига уни сўраб хелувчиларнинг қадами узилмай қолди. Охири ота-онаси қайта-қайта совчи юбораётган Баҳром олифтага розилик бериб юборишди. Ўз таъбирларича "бизнесмен", аслида эса, олибсотарлик билан шуғулланувчи бу оилани Нигора бошиданок ҳушламаганди. На илож, ота рози бўлганидан

кейин бошқа йўл йўқ. Ҳар ҳолда, совчи аёлларнинг онасига: "Қизингизнинг ўқишдан хавотирланманг, айланай. Шартнома пулини ўзимиз тўлаб, ўзимиз дипломли қилиб оламиз. Хали кўрасиз, егани олдида, емагани ортда бўлиб юради", деган сўзларидан кўнгли сал хотиржам тортганди.

Тўйдан кейин, ҳам талабаллик, ҳам келинлик вазифалари уни чарчатиб қўяётган бўлса-да, камроқ ухлаб, икковиниям удалашга ҳаракат қилди. Баҳромнинг бироз улфатпарастлигини айтмаганда, ҳаммаси орзу қилганидек эди. Бир куни, имтиҳонлар арафасида, дарсдан кейин кутубхонага кириб, сал кечга қолди. "Ойижонга нима деб, тушунтирсам экан, кечки оватга энгилроқ бирон нарса қиларман", деган ўй билан дарвозадан кирди. Қайнонаси Нигорани кўриши билан:

— Кун бўйи ўқишни баҳона қилиб, кўчада сангиб юрасиз. Қозон-товок, кир-чир бир ўзимга қолиб кетди. Келин олсам, ишим энгиллаб қолар, деган куним шумиди менинг. Шундай катта хонадонда саранжомлик қолмади. Ўзи, айтудим-а, ўғлимга бу таги пастлар тенгимиз эмас, деб. Йўқ ўз билганидан қолмади, бу бола. Мана, аҳвол, хотинчаси эртани пешин қилиб қайтади, — дея, уйни бошига кўтарганча шангиллай кетди.

Нигора ширинсўз ва меҳрибон қайнонасининг бир онда ғазабнок аёлга айланганини кўриб довдираб қолди.

— Ойижон, кутубхонага... Кечиринг, — деди-ю, бошқа гапиролмади.

Ундан кечирим сўрагиси, тушунтиргиси келарди, бироқ озги қуруқшаб, тили танглайга ёпишгандай бир сўз айтолмасди.

— Хотин киши ўқиб, дунё олиб берармиди? Шундоғам

тилингиз бир қарич, — қайнонаси кечгача шу гапни қайта-қайта такрорлаб, кўз очирмади.

Эртасига ўқишга бормади, ойижон жаҳлларидан тушсин, кейин курсдошларимга етиб оламан, дея қуйиб-пишди. Ўша куни Нигора оппоқ орзулари томон қора парда тортилганини билмасди. Қайнонаси унинг ҳар иши ва сўзидан иллат қидирадиган бўлди. Озги айтганини кулоғи эшитмай, уни ҳақоратлар, камига ўғлини гиж-гижлайдиган, қўшиларга ёмонлайдиган одат чиқарди. Нигора барча хўрликларга чидашга рози эди. Ўқишни тугаллаб олса бас, ҳали ҳаммаси яхши бўлади...

— Нигора, азизам, тушунгин ахир, шундоғам савдонинг мазаси йўқ. Рақобатчи кўп, тушум кам. Бунча пул ҳозир

Нигора туни билан ухлолмай чиқди.

Эрининг иши юришмаётганини била туриб, шартнома пулини тўланг, дея икки оёғини бир этикка тиколмайди. Яқинда, қайнонаси ва ўзининг тилак қачинчоқларини сотишганиям аҳволнинг жиддийлигидан дарак беради. Бир томондан ота-онаси қарз туфайли рўзгорнинг майда харажатларига қийналишяпти.

— Яхшиси, эртагаёқ факультетга бориб, академик таътил олишга ариза ёзаман. Кейинроқ, албатта, ўқишимни давом эттирмаган. Нигора ўйлай-ўйлай охири шу қарорга келди. Назарида, энг оқилона йўл эди бу.

Таътил олиб, уйда қайнонасининг хизматини бекаму кўст қилишга тиришди. Бу орада болали ҳам бўлди. Нигора ўғлига қараб туриб, оламнинг ажиб қонуниятлари

Тўқилмаган воқеа

ўрнига зарар келтира бошлаган, рўзгорга қилинадиган харажатлар ҳам камайиб борар, қимматбахо буюмларни эса кундалик эҳтиёжлар учун сотишаётганди. Нигора ташвишлар аро академик таътил олганини ҳам, ўқишни давом эттириши кераклигини ҳам унутиб қўйганди. Еб-ичиш ва сарф-харажатда майдалашга ўтирмайдиган Баҳромга бу ҳол салбий таъсир қилди. Бор аламини ичкиликдан ола бошлади. Бир куни ярим тунда ширакайф аҳволда келиб, "Ҳаммасига сен айбдорсан", дея тинчгина ухлаб ётган Нигорани дўппослай кетди...

Сокин тун оғушида кечмиши билан ёлғиз қолган Нигоранинги ўйларини кўшни ховлидаги ўрознинг қичқириви тўзғитиб юборди. Аъзамжон кучоғида уни маҳкам қучганча пишиллаб ухларди.

— Болам бечора, этиги йиртилгани учун мактабга чиқолмади-я, — ўғлининг беғубор чехрасига қараб, ўқинди-ю, — мен-ку, майли, бир кунимни кўрапман. Аммо боланинг тақдири нима бўлади. Йўқчилик унинг оппоқ орзуларига раҳна солмайди, ахир. Нигора, сен онасан, арвало, шу Аъзамжоннинг уч харажат қилишинг керак. Шунча пайтдан буён итоаткор ва ожиз бўлиб яшаганинг етар! — дея у ўз иродасини жамлашга қатъий аҳд қилди.

Тун зулмати ортдан тонгининг илик нафаси заминни қучади. Нигора ҳам бу кеч тонг отишини интизор кутди. Эрталаб ховлидаги ҳурмо-доғарга топширди ва пулига рўзгори учун харажат қилди, ўғилчасига этикча сотиб олди. Аъзамжон аъло баҳоларга ўқишга ваъда бериб, онасининг юзларидан ўпди-ю мактабга чоғди. Ўғлини кузатган, Нигора эрининг келишини кутиб ўтирмай, маҳалладаги Сабохат тикувчи-никига йўл олди. Унга шогирдликка тўлиб, болалигида орзу этгандай тикувчи бўлишга қарор қилганди...

Маърифат
АБДУХАМИДОВА.

ХАЁЛ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

бизга анқони уругидай гап. Балки, ота-онангдан сўраб кўрарсан-а.

Бир озги ширин сўзга муҳтож, иложсизликдан қийналаётган Баҳром ақасининг нигоҳларига чидай олмади.

— Хўп, — деди қисқагина қилиб. Лекин, қимдан қайси юз билан сўрайди шунча пулни. Ота-онаси тўйдан олдин, қизимизнинг борган жойида тили қисқиб бўлмасин, дея катта қарз билан сарпо-суруқ қилишганди. Ҳалигача, қарзни тўлай олишмади. "Ўзи, амман тўғри айтган экан, буюм-нарсаси бахт келтирмайди, деб. Нега ўшанда менга қимматбахо нарсалар керакмас, қийналиб қоласизлар-ку демадим экан-а", деган ўйда

олдида лол қолади. Ўзи бир парчагина эт-у, лекин кулгусидан дунё шодлигини туюсан. Шу кичик вужуд учун яшаринг келаверади. Ҳа, фарзанд инсонни қайта тарбияларкан. Бир пайтлар эртанги кунда ўзини кўрар, келажакдаги Нигоранинг қандай бўлишини тасаввур қиларди. Энди эса ўтирса-турса Аъзамжонини ўйлайди. Тили чиққанида нима дейиши-ю, илк қадамларидан "қадам кулча" қилиб маҳалла болаларига тарқатишни ўйлайди.

Аъзамжон нафақат Нигора, балки, файзли кунлари омонат бўлган бу хонадондаги барчанинг кўнглига илиқлик, умид олиб кирганди. Савдо-сотик негадир фойда

Боланинг асаб тизими яхши ривожланиши, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун чақалоқлигидаги уйқуси муҳим аҳамиятга эга.

Уйқу ҳолатида организм тиниқади ва парчаланган хужайралар тикланади. Гўдакнинг вазни қанча энгил бўлса, у шунча кўп ухлаши лозим. Болалар шифокорлари чақалоқларнинг икки ойликда тўрт маҳал, беш ойликда уч маҳал, тўққиз ойликда эса икки маҳал бир соатдан икки соатгача ухлашини тавсия қилишади. Миттивойнинг уйқуси мана шу меъёрда бўлишга оналар жиддий эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ. Агар бола "қуш уйқу" бўлса, бу безовталиқ унинг саломатлигига салбий таъсир қилиши мумкин.

Гўдак чуқур уйқуга кетган паллада организмдан кўп миқдорда фойдали гармонлар ажралиб чиқади ва унинг энг жадал ўсаётган пайти ай-

УЙҚУСИ ТИНЧ БЕК БОЛА

нан шу вақтга тўғри келади.

Боланинг уйқуси бир маромда бўлиши учун уни ҳар доим бир вақтда ухлатиш лозим. Бироқ миттивойни ўраб-чирмаб ташламаслик керак. Болага ҳаво ўтказадиган пахталик газламадан тайёрланган кийимлар кийгизиб, устидан эса юпқароқ ва ўзига мос кичкина кўрпа ташлаб қўйилгани яхши. Хонадаги ҳаво ҳарорати ҳамда мусаффолиги ҳам уйқунинг чуқур бўлишига таъсир кўрсатади. Дим хонада ухлаган бола ўзини жуда ёмон ҳис қилади. Кислород етишмаслиги туфайли организмда моддалар алмашинуви жараёни сустлашади.

Бу эса тўқималарда су-

юқликнинг ушланиб қолишига ва гўдакнинг юзлари салқини сабаб бўлади.

Кун иссиқ бўлган вақтларда болани иложи борича очик ҳавода ухлатиш лозим. Ухлаётган болани жуда тинч ва сокинликка ҳам ўргатмаслик керак. Чунки кейинчалик кундалик турмуш шароитида ухлолмай қийналади.

Бола бешик ёки беланчакка солиб тебратилганда анча тинчланади. Аммо ҳар доим тебратиш шарт эмас. Шунингдек, алла ҳам тинчлантирувчи воситалардан бири бўлиб, боланинг асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади.

Маслаҳат

Болаларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, уйқуга бўлган эҳтиёж ҳам гўдакларда ҳар хил бўлади. Баъзи чақалоқлар кам ухласа ҳам ўзини тетик ва бардам ҳис этади. Бошқалари эса тенгдошларидан кўра кўпроқ ухлаганига қарамай, бўшашиб юради. Бу нафақат уларнинг феъл-атвориға, балки уйқоқлик даврини қандай ўтказишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, ухлатишдан аввал болани сайр қилдириш, эркин ҳаракатланишга қўйиб бериш, кекса онахонларимиз таъбири билан айтганда, "ўйнатиб-чарчатиш" керак. Аммо бола чўчүтүвчи ўйинларни ўйнамагани маъқул. Бу унинг уйқусини нотинч қилади.

Латофат САБДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

“ТҶИИ ҚАЙТГАН ҚИЗ”

Турмуш ўртоғим узоқ йиллар қон босими ошишидан азият чекиб, икки йил аввал инсультга чалинди. Бу кўруликдан кейин ҳамширалик курсини тугатган қизим Саодат уйда отасини парваришлай бошлади. Афсуски, бу оғир дард у кишини бу дунёдан олиб кетди. Маъракаларини ўтказгач, қизимни узатиш тараддудига тушдик. Тўй кунини яқинлашганда қайнонамнинг ҳам саломатлиги ёмонлашиб, қазо қилиб қолса бўладими. Бундан хабар топган қудаларимизнинг кутилмаганда: “Тўйни белгиланган вақтда ўтказамиз, қарши бўлсангиз, бошқа келин излай қоламиз”, деган гаплари мени гангитиб қўйди. Маҳалламиздаги кекса онахонлар билан маслаҳатлашсам, “Маъраканинг муддати уч кун, тўйни ўтказаверинг”, дейишди. Бироқ, бошимизга тушган мана шундай қора кунда бизга ҳамдард, елкадош бўлиш ўрнига менга шарт қўяётган синалмаган қудаларга қизимнинг келажagini қандай қилиб топширишим мумкин, деган ўйда тўйни тўхта-тишга мажбур бўлдик. Ҳамма жойдаман шундай, тўйни қайтган қиз ҳақида ҳар хил бўлар-бўлмас гап-сўзлар тарқалади. Мернинг қизим ҳам бу каби гийбатларга дучор бўлди. Саодат ҳозир **ёшда**. Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ, дейишди. Зора, ҳаётимиз энди бу ёғига яхши кунларга бой бўлса, қизим бахтини топса, деган яхши ниятда яшаяпмиз. Саодатдан бошқа фарзандим бўлмагани учун уни узоқларга узатиб юборолмайман. Навоий вилоятида яшовчи, иши, уй-жойи тайин, диёнатли инсон учраса, бизга хабар берсангизлар.

**КУРСИЯ опа,
Навоий вилояти.**

ОИЛАМГА ФАЙЗ КИРСАЙДИ

Ирода билан талабалик давримизда танишган-дик. Узоқ масофани яхши кўра олмаганим учун у менга дарс вақтида кўп ёрдам берарди. Муносабатларимиз кундан-кунга яхшиланиб, ўртамизда сирли муҳаббат пайдо бўлди. Ёлғиз ўғил бўлганим учун иккинчи босқичга ўтганимда ота-онам мени уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Иродага уйланмоқчи эканимни эшитиб, қаршилиқ қилишмади. Тўйимиздан кейин Ирода уй юмушларини жой-жойига қўйиши, хушмуомалалиги билан уйимизни янада файзли қилди. Тақдир бизни уч фарзанд билан сийлади. Дунёда биздан-да бахтли инсонлар йўқ эди гўё. Эндигина катта қизимизни узатгандик. Кутилмаганда аёлим бедаво дардга чалиниб қолди. Уч йил ичида уни кўрсатмаган дўхтиру табибларимиз қолмади. Наилож, умри қисқа экан...

Шундан кейин ўғлимни ҳам уйлантирдим. Энди насиб қилса, кенжа қизимни ҳам онаси орзу қилгандай, яхши жойга узатиш ниятидаман. **Ёшим 55 да**. Боғбончилик билан шуғулланаман. 45 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, оқ кўнгил, бефарзанд ёки битта қизи бор аёл бўлса, уйланмоқчиман.

**ОДИЛ ака,
Бухоро вилояти.**



САХОВАТ ЛОЙИҲАСИ

Хитойлик миллионер Сун Шуйхуа (Sun Shuihua) Ватанидаги ўзи туғилиб ўсган, тарбия топган Ксионгкенг (Xiongkeng) қишлоғида шахсий маблағи ҳисобидан чиройли, замонавий, шинам, барча шароитлари муҳайё бўлган бир қатор уй-жой намуналарини қурди ва уларни ҳам-қишлоқларига совға қилди.

Қурилиш соҳаси ва пўлат қуйиш сонаотида фаолият юритиб, кетма-кет муваффақиятлар қозонган 57 ёшли мағнат кадрдон қишлоғига қайтиб келди. Фақат бир ўзи эмас, балки шовқинлари кулоқни қоматга келтирадиган баҳайбат бульдозерлар билан қайтди. Тез орада қишлоқдаги эски хароба кулбалар ва тупроқ кўчалар ер билан бир қилиб текисланди. Уларнинг ўрнида обод ва кўркем уй-жойлар қад кўтарди, мустаҳкам йўл қурилди.

Сун томонидан умумий ҳолати деярли бир хил бўлган қулай ва шинам уйлар билан 72 оила таъминланди. Қишлоқнинг қолган 18 оиласи бошқача тақдирланишди. Яъни, улар миллионернинг ҳаётида муҳим ўрин тутганликлари боис ҳар бир оилага алоҳида ашаматли ҳақиқий ҳовлилар тўхфа қилинди. Сун шунингдек, яхши ният маъносидида ўртача ойликдан кам даромад топадиган аҳолини бепул озиқ-овқатлар билан таъминлаб туришни ваъда қилди.

Тадбиркорнинг бу саховат лойиҳаси учун сарфланган маблағ олти миллион долларни ташкил этди.

ТЕЗЮРАР ПОЙАБЗАЛ

Америкалик муҳандис Кихи Сеймур “Bionic Boots” деб номланувчи пойабзални ихтиро қилди. Пойабзалнинг ўзига хослиги шундаки, уни кийиб олган одам спортчи бўлмаса ҳам, соатига 40 километр тезликда югура олади.



Бундай тезликда, ҳатто, велосипедчилар билан ҳам пойга ўйнаш мумкин. Бунинг устига ушбу пойабзал билан нафақат текис йўлда, балки ўнқир-чўнқир ерларда ҳам қийналмасдан югурса бўлади. Айни кунда муҳандис, ўз ихтиросини янада мукамаллаштириш устида изланмоқда. Яъни, у келажакда пойабзал кўмағида соатига 70 километрлик натижани забт этишни мақсад қилган. Дарвоқе, агар хоҳловчилар бўлса, мазкур ғаройиб ботинкаларни 265 долларга сотиб олиши мумкин.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**

“Бахтли бўлинг” саҳифаси



АЙБ ТАҚДИРДА ЭМАС!

Тўрт фарзандимдан учови оилалари, ўзларидан тинган. Иккинчи қизим Мукаррам ҳаётда кўп маротаба қоқилган. Ўн саккиз ёшга кирганида узатгандик. Икки ой ҳам яшамай, уйга қайтиб келди. Маълум бўлишича, кувёмимиз энурез деган касалликка чалинган экан. Турмуш ўртоғим «қизимнинг оиласи бузилмасин, бир давосини қилармиз» деб эркак қуд билан холи холда гаплашиб олишди. Айтишларича, кувёмимиз бу касалликка қарши анча даволанган лекин, фойдаси бўлмаган экан. Ноилож, Мукаррам ажрашишга ариза берди...

Уч йилдан кейин қизим ёши каттароқ бир ҳамкасби унга уйланмоқчи эканини айтиб қолди. Суриштирсак, тўрт фарзандини аёлида қолдириб, ажрашиб кетган экан. Кўнглимизда андак хавотир бўлса-да, қизимизнинг раъйига қараб, розилик бердик. Лекин кувёмизнинг шартин билан улар қонуний эмас, шаръий никоҳ орқали турмуш қуришди. Орадан тўрт ойлар ўтгач, бир кун кечки пайт қизим йиғлаб келди. Ўша заҳотиёқ отаси иккимиз Мукаррамни уйига қайтариб олиб бордик. Бизни хушламайгина кутиб олган кувёв қизимиз билан бошқа бирга яшашни истамаслигини, бунга сабаб, уни ёқтирмай қолганини айтди. Ана шунда бу кишига ишониб нотўғри иш қилганимизни тушундик. Аммо қонуний никоҳлари бўлмагани учун қўлимиздан ҳеч бир иш келмади.

Биз баъзида пешонага битилгани шу дея тақдирни айблаيمиз. Лекин бу борада ўзимиз ҳушёрликни, оғоҳликни йўқотиб қўйганимизни тан олгимиз келмайди. Мана шу воқеа бизнинг энг катта хатомиз эмасми? Мукаррам яқинда **40 ёшга** кирди. Ута асабий, жижзаки бўлиб қолган. Шу вақтгача бир нечта жойлардан совчилар келди. Аммо, оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, қизимни узатишга чўчи қолганман. Яқинда бир дугоним тахририятга мурожаат қилинг, насиб этса, қизингиз бахтини ўша ердан топиб кетади, деб қолди. Бу гапдан кўнглим алланечук ёришгандек бўлди. Тошкент шаҳри ёки вилоятида яшовчи, меҳрибон, бамаъни инсон учраса Мукаррамни узатардик.

**РАҲИМА опа,
Тошкент вилояти.**

ҚИЛИЧБЕККА КЕЛИН БОР

Укам Саҳобиддин биринчи гуруҳ ногирони. Шундай бўлса-да сира тиниб-тинчимайди. Келинимиз ҳам жуда уддабурон. Иккаласи фарзандларини ёнларига олиб, чорвачилик билан шуғулланишди. Шунинг орқасидан икки ўғилни уйлаб, қиз узатишди. Лекин эр-хотин Гавҳарой деган жиянимизнинг бахти очилмаётганидан менга баъзан куйиниб гапириб қолишди. Унинг **ёши 28 да**. Одобли, сариштали ва пазанда қиз.

Газетанинг 2014 йил 11 ноябрда чоп этилган 46-сонидида сирдарёлик Қиличбекнинг “Ялқовлигидан уялардим” сарлавҳали эълонини ўқиб қолдим ва сизларга мурожаат этаялман. Гавҳаройни шу йигит билан учраш-

тирсак, бир бахтли оиланинг бунёд этилишига сабабчи бўлиб қолармик, деб ўйладим. Илтимос, агар малол келмаса, Қиличбекка бизнинг телефон рақамимизни берсангиз.

**ОЙБАҲОР опа,
Қашқадарё вилояти,
Миришкор тумани.**

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишларини шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46**

ЕТТИ ЙИЛ БИРГА ЯШАДИК

Ҳурматли тахририят ходимлари! Газетанинг “Бахтли бўлинг” рукни орқали турли тақдир эгалари ўз жуфтини топиб, орзулари ушалаётгани ҳақида ўқиб, қувонаман. Мен ҳам 24 ёшимда уйланганим, аёлим билан етти йил бирга яшадик. Бир ўғил, бир қизлик бўлдик, ҳозирда улар онаси билан яшайди. Узрли сабабларга кўра, ажрашганмиз. Бўлажак умр йўлдошим бу ҳақда жиддий билишни истаса, унинг ўзигагина айтиб беришим мумкин. **Ҳозир ёшим 47да**. Топиш-тутишим ёмон эмас, бир рўзгорни тебратишга қурбим етади. 40 ёшгача бўлган фарзандсиз аёл учраса, у билан бахтли ҳаёт кечирсам дейман.

**ФУРҚАТ,
Жиззах вилояти.**

ИСТИҲОЛА БИЛАН КЕЛДИК

— Бизлар, икки дугона минг истиҳола билан Фарғона вилоятидан келдик. Менинг исмиим Зарифа. **Ёшим 30 да**. Дугоним Жамила эса **32 ёшда**. Мен олий маълумотлиман. Ҳозир нуфузли бир ташкилотда ишлайман. Менга ўхшаб ўқиб, изланиб, ёши улгайиб қолган йигитлар бўлса, оила курсам, деган ниятдаман. Жамила эса моҳир тикувчи. Ўзи жуда тортинчоқ, камгап. Фейъл-атвори яхши инсон бўлса, турмушга чиқмоқчи.

— Марҳамат, керакли хужжатлар ва телефон рақамингизни қолдиринг. Бирор янгилик бўлса ўзимиз хабар қиламиз.

БОЛАЛИКНИ ЎФИРЛАТМАНГ!

Ўзгарувчан одамлар шахри ҳақида эшитганмисиз? Айтишларича, у ерда сеҳрли кўзгу бўлиб, унга қараган ҳар қандай одам маҳлиё бўлиб қолар экан. Чунки кўзгу одамнинг гоҳ кексалик, гоҳ ёшлик қиёфасини кўрсатар, унга термилиб турганлар бора-бора умрининг аниқ даври ва ўз қиёфасини бутунлай йўқотармиш. Аммо, бу кўзгуга юксак тафаккур назари билан қараган киши сирли совғага эга бўлиши, бу совға унинг бугуни учун имконият, порлоқ келажаги учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин экан.

Компьютер ўйинлари ҳақида айтилган бу кичик тасаввур мавзуну чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундайди. Замонавий фан ва технология асрида компьютерлар юқори тезликда ҳаётимизга, фаолиятимизга кириб улгурди ва ўз имкониятлари билан хатто онгимиз ва дунёқарашимизга ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Бола тарбиясида кечикиб бўлмаслиги, унинг ҳар бир даврини тўғри назорат қилиш ҳақида ота-боболаримизнинг ибратли ўғитлари жуда кўп. Оилада буви ва боболар назоратига, уларнинг панд-насихатига асосланган ўзбекона тарбияда фарзандларнинг юксак маънавиятли бўлиб ўсишларига алоҳида эътибор берилади. Аммо, бугунги кунда айрим хонадонларда “замонавийлик” ниқоби остида бола тарбиясига эътиборсизлик билан қаралаётгани ҳам бор гап. Компьютер ўйинлари эса болаларнинг жуда кўп вақтини, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, хатто болалигини ҳам ўғирламоқда.

Асосан ўсмирлар ва ундан кичик ёшдаги болалар компьютер ўйинларининг асосий фойдаланувчилари бўлганлиги сабаб, куннинг иккинчи ярмида компьютер клубларида босқинчилик, қотиллик каби иллатларни тарғиб қилувчи ўйинларга мактаб ёшдаги ўспиринларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб муккасидан кетганига гувоҳ



бўлаёلمиз. Отишмалар ва ёки исталган курул орқали душман билан олишув, унинг ниҳоясида эса голиб ва мағлубнинг ўлими акс этган ҳолатлар ёши катталарни ҳам чўчитиб юбориши аниқ. Ўйинда мағлуб бўлгач, оиласиданми ё кўчадан ўрганган жаргон сўзларини уялмай, баралла айтаётган бола ҳаммамизни ҳам бирдай ташвишга соляптими? Эртамыз эгалари бўлган фарзандларимизнинг тарбиясига ижобий ва салбий таъсир этувчи бундай омилларнинг ҳеч бирига бепарво қараб бўлмайди, ахир.

“Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган ажойиб нақл қон-қонимизга сингиб кетган. Ўз фарзандларимизнинг ҳам, бегона болаларнинг ҳам ҳаётларига кўз юмиб кетолмаймиз. Аммо компьютер ўйинлари таъсирида дейдаси котиб бораётган болалар-

Мулоҳаза

га танбех берсангиз: “Сизга нима?”, “Менга ота-онам хўжайин” каби сўзларни айтиб, осмонга сапчидилар. Энг ачинарлиси, ота-онага ҳурматсизликдай ҳеч бир қолигга сиймайдиган иллатни ҳам мана шундай болаларда кўпроқ кузатиш мумкин.

Танганинг икки томони бўлгани каби компьютер ўйинлари ичида бола интеллектга ижобий таъсир қилади-ганлари ҳам бор. Пойтахтимиздаги 90-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Каримов мазкур ўқув даргоҳида таҳсили олган, шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган Рустам Қосимжоновнинг нуфузли мусобақаларга тайёрланишида компьютердаги шахмат ўйинлари муҳим воситалардан бири бўлганини айтиб ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

— Компьютер дастурлари орасида бола интеллектни ривожлантирадиган, техника ёрдамида спорт ва фанга нисбатан қобилиятини ошириб борадиган ўйинлар кўп, — дейди Бахтиёр ака. — Табиатан тортинчоқ, уятчан болалар бундай ўйинларни ўйнаганда ўзига ишончи ва қатъияти ортади. Бунда унинг соғлиғига жиддий эътибор бериб, компьютер экранни қаршисидаги вақтини назорат қилишни унутмаслик керак. Ундаги шахмат, шашка, футбол, теннис каби спорт ўйинлари, турли фанларга оид тестлар кўринишидаги анимацион ўйинлар боланинг ғалабага бўлган интилишини кучайтиради, ақлини чархlab, билимини оширишга хизмат қилади.

Бола тарбиясида замонавий технологияни ижобий томонга йўналтириш ота-оналар ва дўстларнинг таъсирига ҳам боғлиқ. Шунингдек, мавжуд компьютер клубларида жоҳилликни тарғиб қилувчи ўйинларни эмас, аксинча, спорт ва фанга оид қизиқарли ўйинларни тавсия қилишни йўлга қўйиш керак.

Камола АДАШБОЕВА.

«ОСИЁ КУБОГИ – 2015» БОШЛАНМОҚДА

Яна 2 кундан сўнг Австралия яшил майдонларида Осиё Кубоги баҳслари бошланади.

Юртимиз футбол ишқибозлари мазкур чемпионатни интиқлик билан кутишмоқда. Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси мазкур мусобақада голиблик учун даъвогарлар қаторида эътироф этилмоқда.

Терма жамоамиз жойлашган гуруҳ куйидагича:

- 1 КХДР
- 2 Саудия Арабистони
- 3 Ўзбекистон
- 4 Хитой

КЛИЧКО ТАЙСОНДАН ҚЎРҚАЯПТИМИ?

Супер оғир вазн тоифасининг энгилмай келаётган боқсалиридан бири, британиялик Тайсон Фьюри айна вақтда украиналик мутлак жаҳон чемпиони Владимир Кличкога тегишли WBO йўналишидаги чемпионлик камарига асосий даъвогар бўлиб турибди.

IBF, WBA, WBO, IBO таснифлари чемпиони Владимир Кличко Тайсонга қарши жангдан бош тортишни учун WBO олтин камаридан айрилиши мумкин.

Кличко 2015 йилнинг куз фаслида Фьюрига қарши ўтказилиши режалаштирилган жанг борасида бирорта фикр билдирмади. Тайсоннинг промоутери Френк Уореннинг сўзларига кўра, Владимирнинг жамоаси улар билан умуман алоқага чиқаётгани йўқ.

ЧЕХ “ЧЕЛСИ” ДАН КЕТАДИ

Лондоннинг “Челси” жамоаси дарвозабони Петр Чех яқин кунларда клуб сафини тарк этиб, Италиянинг “Рома” жамоасига қўшилиши кутилмоқда.

Чехиялик дарвозабон 10 йил давомида клуб асосий дарвозабони сифатида иштирок этди. Мазкур мавсум бошланишидан аввал “Атлетико”дан қайтиб келган Тибо Куртуа - асосий таркибдан жой олиб, Чехни захира ўринидиган жой олишига сабабчи бўлди.

МЕССИНИНГ НАРХИ...

Франциянинг ПСЖ клуби «Барселона» жамоаси ҳужумчиси Лионель Мессини Парижга олиб келиш фикридан қайтмайдиган кўринади. Шу мақсадда парижликлар футболчи янги таклифлар билан чиқини даво эттирмоқда, дея хабар беради El Mundo Deportivo портали.

Манбада ёзилишича, француз клуби мазкур трансфер учун рекорд сума 250 млн. евро тўлашга тайёр.

Бундан ташқари аргентиналик юлдузга «Челси» клуби ҳам харидор. Клуб хўжайини Роман Абрамович агар Месси рози бўлса, 250 млн. еврони «санаш»га ҳозирлигини айтиб келади.

Интернет манбалари асосида Илхом Жуманов тайёрлади.

Ҳикматли дунё

ОТА-ОНА ВА БОЛАЛАР

Ота-она муҳаббати — энг покиза муҳаббат. Аммо болалар тарбиясида бундай покиза муҳаббат биз ўйлаган даражада асқотмайди. Бу муҳаббат соясида — ҳеч бўлмаганда ёки асосан — бола ё золим, ё адолатсиз бўлиб етишади.



ЯХШИ ОДАМ

Аёлга эрининг яхши одамлиги ҳамма вақт ҳам муҳим эмас. Аммо эркак ҳамма вақт рафиқасининг яхши бўлишини истайди.

Риносқэ АКУТАГАВА

БАЛКИ УЗРЛИДИР

Бир ҳамкасбимиз меҳнат таътиги чиққанди. Кейин яна ўз хисобидан таътил олди. Бу муддат тугаганидан кейин ҳам негадир ишга чиқмади. Сабаби эса номаялум, ўзини топишининг имкони бўлмапти. Бунинг учун уни ишдан бўшатиб юборишлари мумкинми?

Н.Ортиқов.

Меҳнат қончилиги асосан, ходимни у йўқлигида ишдан бўшатиб бўлмайди. Чунки, қутилмаганда ишда бўлмаганлигини асословчи ҳужжат билан келиши мумкин. Шунда иш берувчи уни вазифасига тиклашига ва пул компенсацияси тўлашига тўғри келади.

У балки ўзининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ту-

файли ишга чиқа олмаётган ёки бошқа бирор узрли сабаби бордир. Бундай ҳолатда иш берувчи томонидан ходимнинг ишга чиқмаётгани сабабларини аниқлаш чоралари изланади. Ходимнинг хизмат вазифасини бажариб туришни бошқа ходим ёки ходимларга юклаш ҳақида буйруқ чиқарилади. Бунинг учун шу ходимнинг хизмат вазифаларини бажарадиган ходимларга ҳақ тўлови ҳал этилиши лозим. Ходим агар узоқ вақт ишга чиқмаса, унинг ўрнига муддатли шартнома асосида, яъни унинг ишда бўлмаган даври ишдан бошқа ходимни ишга олиш ҳам мумкинлиги белгиланган.

Саволга Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 3-сонли ДНИ нотариуси Раъно КАМАЛХОДЖАЕВА жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ

Мусахҳидлар — Самдғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7198. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5